O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 2 ноябрь, № 214 (4113) Пайшанба

ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 1 ноябрь куни Оқсаройда Германия Федератив Республикаси федерал ташқи ишлар вазири Франк-Вальтер Штайнмайерни қабул қилди.

— Сизнинг ташрифингиз Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги ҳамкорлик истиқболларига оид масалалар юзасидан фикрлашиб олиш учун яхши имкониятдир, — деди Ислом Каримов. — Биз Германия билан ривожланиб бораётган ўзаро муносабатларни, жумладан, иқтисодий алоқаларни қадрлаймиз. Ўзаро савдо ҳажми ортиб бораётганини алоҳида таъкидлаш зарур.

Маълумки, Германия Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича сиёсатининг янги концепциясини ишлаб чиқиш ташаббуси билан чиққан. Бу концепция Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи мамлакатлари ўртасидаги ўзаро манфаатли муносабатларни янада ривожлантиришга қаратилган.

Германия ташқи ишлар вазири Марказий Осиё тинчлиги ва барқарорлигига таҳдидлар мавжудлигини, Афғонистон муаммоси ҳамда Эроннинг ядровий дастури билан боғлиқ масалалар хавфсизлик борасида ЕИнинг умумкелишилган сиёсат юритишини тақозо қилишини қайд этди.

— Бу умумий мақсад йўлида биз биргаликда саъй-ҳаракат қилмоғимиз лозим, — деди Франк-Вальтер Штайнмайер.

Бундай ҳамкорликни кенгайтиришда Ўзбекистон ва Германия муносабатларини ҳар томонлама ривожлантириш муҳим ўрин тутади. Мамлакатларимиз ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий ва ижтимоий-маданий алоқалар тобора мустаҳкамланиб бормоқда. 2005 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 326 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистондаги қулай сармоявий муҳит, улкан иқтисодий имкониятлар германиялик ишбилармонларнинг юртимизга қизиқишини оширмоқда. Жорий йилнинг ўзида Немис иқтисодиёти шарқий қўмитаси раиси Клаус Мангольд раҳбарлигида йирик ишбилармонлар делегацияси бир неча бор мамлакатимизга ташриф буюриб, пойтахтимиз ва вилоятларда бизнес-форумлар, янги сармоявий лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш юзасидан музокаралар ўтказди.

Франк-Вальтер Штайнмайерга ҳам "Fresenius medical care", "Siemens", "MAN Ferrostaal" каби компаниялар-нинг раҳбарлари ҳамроҳлик қилмоқда. Улар иштирокида Бухорода бизнес-форум ўтказиш режалаштирилган.

Икки давлат ўртасидаги сиёсий ҳамкорлик ҳам изчил ривожланмоқда. Мамлакатларимиз нуфузли халқаро ташкилотлар доирасида халқаро муаммолар юзасидан маслаҳатлашувлар олиб бораётир, ташқи сиёсат маҳкамаларининг ўзаро мулоқотлари мунтазамлик касб этган. Жумладан, жорий йил июль ойида ГФР Ташқи ишлар вазирлигининг давлат вазири Гернот Эрлер Ўзбекистонда бўлди.

Оқсаройдаги учрашувда Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги кенг қамровли алоқаларни янада ривожлантириш масалалари муҳокама этилди. Долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА).

Дилшод ЮСУПОВ олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Япония ҳукуматига раҳбарлик қилган кезларимда кўрсатилган илтифот ва ҳамкорлик учун Сиз, Жаноби Олийларига ҳамда мамлакатингиз ҳукуматининг барча масъул шахсларига чин қалбдан миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

Жорий йилнинг августида мен, Япония Бош вазири сифатида илк бор Ўзбекистонга расмий ташриф буюрдим ва Сиз, Жаноби Олийлари билан сермазмун суҳбат қуриш бахтига муяссар бўлдим. Ташриф чоғида менга кўрсатилган ҳурмат-эҳтиром учун Сизга самимий ташаккур билдиришни истар эдим.

Ишончим комилки, ташриф натижалари мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг янада ривожланиши учун истиқболда катта имкониятлар яратади. Мен Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги дўстона муносабатларни ривожлантириш ва ҳамкорликни кенгайтириш учун бундан буён ҳам бор куч-ғайратимни аямайман.

Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлик, Ўзбекистон халқига равнақ ва фаровонлик тилашга ижозат этгайсиз.

Эҳтиром билан,

Жунъичиро КОИДЗУМИ,
Японияниг собиқ Бош вазири

ОЛАМНИ МАҲЛИЁ АЙЛАГАН ДИЁР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги муносабати билан кўплаб халқаро ташкилотлардан, жаҳоннинг таниқли фан ва маданият арбобларидан табрик мактублари келмоқда

Давлатимиз раҳбарининг «Биз киммиз, қандай улуғ аждодларнинг ворисларимиз« деган савол ҳар бир кишини ўйлантирмоғи лозимлиги ҳақидаги даъвати ҳаётда ўзининг амалий тасдиғини топмоқда. Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги кенг миқёсда нишонланиши ва шу муносабат билан юртимизда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари ҳам бу фикрнинг ёрқин далили бўла олади.

Бугун юртимизда ва жаҳон миқёсида кенг нишонланаётган Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллик тўйи муносабати билан кўплаб халқаро ташкилотлар, хорижий давлатларнинг илмий марказлари ва олий ўқув юртлари раҳбарларидан қизғин ва самимий табриклар келмоқда.

Уларда давлатимиз раҳбарининг бевосита раҳбарлигида инсоният цивилизациясининг энг қадимги ўчоқларидан бири бўлмиш Ўзбекистон ҳудудида жойлашган бир неча минг йиллик маданий обидалар, ёдгорликлар, осори-атиқаларни қайта тиклаш, уларга иккинчи умр бахш этиш, энг муҳими, ёш авлодни мана шу буюк меросга садоқатли ворислар этиб тарбиялаш борасида олиб борилаётган тарихий ишларга юксак баҳо ва самимий эътироф акс этган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига йўллаган табригида Ислом конференцияси ташкилоти Бош котиби Акмалиддин Эҳсон ўғли қуйидагиларни ёзади:

«Ислом конференцияси ташкилоти Сизнинг ўзбек халқининг нодир миллий қадриятларини тиклаш, бой илмий-маърифий, маданий ва маънавий меросини ўрганиш ва асраб-авайлаш ҳамда кенг тарғиб қилиш борасидаги саъй-ҳаракатларингизни юқори баҳолайди.

Дарҳақиқат, қадим Хоразм диёридан етишиб чиққан маърифат юлдузлари — Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, аз-Замахшарий, Нажмиддин Кубро сингари буюк олим ва мутафаккирлар ислом цивилизацияси ривожи ва жаҳон илм-фани тараққиётига беқиёс ҳисса қўшганликларини дунё афкор оммаси эътироф этади».

М.Ломоносов номидаги Москва давлат университети ректори академик В.Садовничийнинг давлатимиз раҳбари номига йўллаган мактубида, жумладан, бундай сатрлар бор:

«Хоразм Маъмун академиясининг жаҳон цивилизацияси тараққиётига қўшган улкан ҳиссаси, бугунги кунда ёш авлодни миллий ғурур ва ўз мамлакати тарихига чуқур ҳурмат руҳида тарбиялаш ишидаги аҳамияти беқиёсдир. Мазкур академия минтақада илм-фанни ривожлантириш билан бирга давлатларнинг ўзаро маданий алоқаларини, турли динга мансуб халқлар ўртасида дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш борасида тарих саҳифаларида чуқур из қолдирди. Сизнинг ташаббусингиз билан қайта тикланган ушбу илм даргоҳи бугунги кунда бутун дунёда маданият ва тараққиётнинг олий мақсадларини тарғиб этишга хизмат қилмоқда.

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич, ушбу унутилмас кунда Сизга Ўзбекистон Республикасининг равнақи ва халқининг фаровонлиги йўлидаги улкан ишларингизда янгидан-янги муваффақиятлар, Хоразм Маъмун академияси жамоасига эса илм-фан ва таълимни янада ривожлантиришда улкан ютуқлар тилайман».

Мисрдаги «Ал-Азҳар» илмий мажмуаси раҳбари Шайх Муҳаммад Саййид Тантовий ўз табригида қуйидагиларни таъкидлайди:

«Сизнинг ташаббусингиз ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашингиз натижасида қайта тикланган мазкур тарихий илмий марказ — Хоразм Маъмун академияси бамисоли ўтмиш ва келажакни боғлаб турувчи робитадир. Биз ушбу илм даргоҳи мисолида Ўзбекистонда илм-фан, маданият ва таълим соҳаларига берилаётган улкан эътиборнинг яққол исботини кўрамиз. 1000 йиллик юбилейининг кенг нишонланиши эса унинг дунёда катта аҳамиятга эга эканлигидан яна бир далолатдир».

«Корея — Ўзбекистон жамияти» раиси Ким Юн Сок ўзининг самимий эътирофини қуйидаги сўзлар билан ифода этган:

«Иқтисодиётнинг юксалишида, айниқса, таълим муҳим ўрин тутади. Шу муносабат билан Ўзбекистон Президенти жаноб Ислом Каримовга таълим сифатини ошириш масаласига давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида аҳамият бераётгани учун ўз миннатдорлигимни изҳор этмоқчиман. Менинг ўзбек миллатининг келажаги порлоқ эканига ишончим комил. Дунёга Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий каби буюк аллома ва мутафаккирларни берган бу халқ бугун жаҳоннинг илм-фан бешикларидан бири ҳисобланган Маъмун академияси таъсис этилганининг 1000 йиллигини кенг нишонламоқда.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

1 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Р. Азимов Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги Давлат бюджети лойиҳасини депутатлар муҳокамасига тақдим этди.

Савол-жавоблардан кейин мамлакатнинг асосий молиявий ҳужжати лойиҳаси батафсил муҳокама қилиниб, унда барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари сўзга чиқдилар. Мамлакатда тузилмавий ислоҳотлар қўламини кенгайтириш, иқтисодиётни янада модернизация қилиш ва эркинлаштириш, хусусий секторни мустаҳкамлаш, мақбул инвестиция муҳитини шакллантириш келгуси йилда иқтисодий ўсиш борасида юқори суръатларга эришиш ҳамда аҳоли турмуш даражасини оширишнинг муҳим омиллари бўлиши таъкидланди. Хўжалик юритувчи субъектлар зиммасидаги солиқ юкини енгиллаштириш, аҳолининг иш билан бандлиги кўламларини кенгайтириш ҳам назарда тутилмоқда. Мамлакатнинг 2007 йилги Давлат бюджети лойиҳасида назарда тутилган асосий харажатларнинг ижтимоий йўналтирилганлиги ҳам депутатлар томонидан алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Муҳокама чоғида депутатлар баён этган таклифларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги Давлат бюджети лойиҳасини биринчи ўқишда қабул қилди.

«Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 2-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг аъзоси Ш. Тешаев тақдим этди. Лойиҳанинг моддама-модда муҳокамаси чоғида депутатлар билдирган фикрларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси Қонунни қабул қилди.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси М. Маҳаметова «Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси 49-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси тўғрисида ахборот берди. Қонун лойиҳаси бўйича депутатлар баён этган фикрлар ҳисобга олинган ҳолда унинг муҳокамасини Қонунчилик палатасининг кейинги мажлисларида давом эттиришга қарор қилинди.

«Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси Ф. Ражабов тақдим этди. Мажлисда сўзга чиққан депутатлар мамлакатнинг тегишли қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб, ушбу қонун лойиҳасини биринчи ўқишда қабул қилишни ёқлаб овоз бердилар.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси А. Раҳимов «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси тўғрисидаги маъруза билан сўзга чиқди. Савол-жавоблар ва ҳужжатнинг ҳар томонлама муҳокамасидан кейин Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасини биринчи ўқишда қабул қилди.

(Давоми 2-бетда).

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган ЮНИСЕФнинг (БМТ Болалар жамғармаси) Марказий ва Шарқий Европа ҳамда Ҳамдўстлик мамлакатлари бўйича минтақавий директори Мария Каливис хоним раҳбарлигидаги делегация 1 ноябрь куни қатор вазирлик ва идораларда бўлди.

ИБРАТ ОЛСА АРЗИЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова билан мулоқот чоғида Ўзбекистон билан ЮНИСЕФ ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистонда оила, она ва болаликни ижтимоий ҳимоя қилиш, саломатлигини мустаҳкамлаш Президент Ислом Каримов юритаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан эканлиги алоҳида таъкидланди. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, "Она ва бола" ҳамда "Соғлом авлод" дастурлари изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилаётгани бунинг ёрқин далилидир.

М.Каливис Ўзбекистонда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ёш авлодни ҳар томонлама етук инсонлар этиб тарбиялаш, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасида улкан ютуқлар қўлга киритилаётганини алоҳида таъкидлади. Дунёнинг кўплаб давлатлари бу борада Ўзбекистондан ибрат олса арзийди, деди ЮНИСЕФ вакиласи.

ЮНИСЕФ делегацияси мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва идораларида музокаралар ўтказди. Таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари фаолияти билан танишди.

Орифжон ТУРОПОВ,
ЎзА мухбири.

ИҚТИСОДИЙ ҲАМЖИҲАТЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Тошкентда Ўзбекистон — Япония бизнес-форуми бўлиб ўтди

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Япония Иқтисодиёт, савдо ва саноат вазирлиги Ташқи савдо бюросининг Европа, Яқин Шарқ ва Африка департаменти директори Тошикадзу Масуяма раҳбарлигидаги делегация пойтахтимиздаги Халқаро бизнес-марказда ташкил этилган "Ўзбекистон — Япония: иқтисодий мулоқот ва шериклик истиқболлари" мавзуидаги бизнес-форумда иштирок этди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан Сиёсий тадқиқотлар маркази ҳамда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси қўмаги билан ташкил этилди. Унда Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди.

Жумладан, савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий соҳалардаги ҳамкорлик ўз самарасини бермоқда. Шу вақтгача юртимизга киритилган Япония сармояси ҳажми салкам икки миллиард АҚШ долларига етгани бунинг далилидир.

Мамлакатимизда японияликлар ишбилармонлар билан ҳамкорликда ташкил қилинган ўндан зиёд қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистонда Япония Халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) ва Ташқи савдо ташкилотининг (JETRO), шунингдек, "Мицуи", "Мицубиси", "Сумимото", "Нише Иваи", "Эн-И-Си", "Тойота", "Марубени" каби жами 21 йирик корпорациянинг ваколатхоналари очилган.

Япония мамлакатимиздаги йирик лойиҳаларни амалга оширишда фаол иштирок этмоқда. Бу лойиҳалар стратегик аҳамиятга эга нефть-газ саноати, транспорт коммуникациялари каби муҳим соҳаларни ривожлантиришга қаратилган. Япония ҳукуматининг "Тараққиётга расмий ёрдам" дастури доирасида таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа жабҳаларида самарали ҳамкорлик қилиб келинмоқда.

Бизнес-форумда таъкидланганидек, ишга солинмаётган имкониятлар ҳам йўқ эмас. Жумладан, Ўзбекистон ва Японияда савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва сармоявий алоқаларни, юқори технологиялар, энергетика, кончилик, углеводород хомашёсини қайта ишлаш, минтақавий транспорт коммуникацияларини ривожлантириш, машинасозлик, пахта ва ипакни қайта ишлаш, телекоммуникация, замонавий маиший техника, сайёҳлик соҳаларидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш имкониятлари мавжуд.

Форумда меҳмонлар мамлакатимизнинг иқтисодий имкониятлари ва сармоявий салоҳияти билан яқиндан танишдилар. Тадбирда сармоявий ҳамкорлик, фойдали қазилмаларни топиш ва қазиб чиқариш борасида икки томонлама алоқаларни кенгайтириш имкониятлари, энергетика соҳасидаги ҳамкорлик истиқболлари, савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, транспорт ва сайёҳлик, маданият ва санъат соҳасидаги ҳамкорликни фаоллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Ўзаро шериклик алоқаларини янада кенгайтириш, биргаликда қатор янги лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятлари хусусида фикрлашиб олинди.

Япония делегацияси сафида келган йирик ишбилармонлар икки кун мобайнида мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва идораларида бўлиб, ўзаро ҳамкорлик масалалари юзасидан музокаралар ўтказишни режалаштирган.

Бизнес-форумда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, молия вазири Р.Азимов иштирок этди.

(ЎзА).

Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги олдидан

Мустақил юртимизда қўша-қўша байрам тантаналари, халқ сайиллари, юбилей тўйлари ўтказиш анъанага айланиб қолди. Зеро, бу байрамлар, қутлуғ саналар жонли тарихимиздан, юртимизнинг ўтмишидан, ота-боболаримиз даҳосидан, халқимизнинг буюк ва боқий қадриятларидан, иқтидоридан, қудратидан далолатдир. Қарши шаҳрининг 2700 йиллик тантаналарининг чўғи ўчмасдан туриб, яна янги бир байрам бошланаётир. Кўҳна тамаддун бешикларидан ҳисобланган, ўтмиши бой, келажаги мунаввар Хоразм воҳаси Маъмун академиясининг 1000 йиллик тўйини нишонлаш арафасида турибди. Халқаро миқёсда бўлажак мазкур тантана Хоразм воҳасида ҳам қадимий мерос, миллий қадрият ва урф-одатларни қадрлаш ва уларни бойитишга катта эътибор қаратилаётганлигининг амалий ифодасидир.



ТЎЙЛАР ЯРАШАДИ БУ ЮРТГА...

Шу ўринда халқаро миқёсда кенг нишонланган буюк маънавий обидамиз — «Авесто» китобининг 2700 йиллиги, Хиванинг 2500 йиллиги, Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигига бағишланган катта тантаналарни эслаб ўтиш жоиз. Ёки Юртбошимизнинг барча жабҳаларда юксак натижаларга эришаётган Хоразм вилояти аҳлига Ўзбекистон тарихида илк бора Жалолиддин Мангуберди орденини топширган кунни ёдга олайлик. Бу кун хоразмликлар учун чинакам байрамга айланди. Дунёга ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Жалолиддин Мангуберди, Нажмиддин Кубро, Маҳмуд Замаҳшарий, Паҳлавон Маҳмуд, Огаҳий каби алломаларни етказиб берган, муқаддас «Авесто» китоби яратилган, «Алгебра» фанига асос солинган, Ер шарининг митти нусхаси — глобус кашф этилган табаррук замин ана шундай байрамларга муносиб, албатта.

Хоразм аҳли Вазирлар Маҳкамасининг «Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарорини катта мамнуният билан кутиб олди. Бу хушхабар уларни улкан бунёдкорлик ишларига руҳлантириб юборди. Чунки хоразмликлар катта тўйга пухта тараддуд кўришга, тўёна ҳозирлашга азалдан одатланган. Аввало, халқаро аҳамиятга молик ушбу тадбирга тайёргарлик кўриш ва уни юксак савияда ўтказиш мақсадида амалга ошириладиган тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Унда биринчи галда кенг миқёсда қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш, аҳолини тоза ичимлик суви, табиий газ билан таъминлашни яхшилаш, соғлиқни сақлаш, алоқа, транспорт ҳамда аҳолига коммунал хизмат кўрсатишни янада яхшилаш ишлари кўзда тутилганди. Бугунга келиб, белгиланган тадбирлар тўла-тўкис уддаланди.

Мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар, янгиланишлар вилоят ҳаётини тубдан ижобий томонга ўзгартириб юборди. Меҳнатга ва мулкка муносабат ўзгарди. Ҳар бир хоразмлик юрт равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилаяпти. Улар буюк аждодларнинг ворислари эканликларини, Хоразм воҳасида XI асрда фаолият юритган Маъмун академияси ер юзида илму фанни юксакликка кўтарганлигини, жаҳон тараққиётига улкан ҳисса қўшганлигини жуда яхши биладилар. Шунинг учун ҳам бўлажак тўй муносиб ўтишига ҳар ким ўз ҳиссасини қўшишга интилмоқда. Хусусан, хоразмлик деҳқонлар ушбу шодиёнага муносиб тўёна ҳозирладилар. Давлатга 275 минг 283 тонна пахта, 75 минг 633 тонна ғалла, 1 минг 758 тонна пилла топшириб, юзлари ёруғ бўлди.

«Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастурининг ижросини таъминлаш мақсадларига соғлиқни сақлаш тизимида бажарилган ишлар эътиборга лойиқ. Ҳозирги кунда вилоятда 147 та қишлоқ врачлик пункти фаолият кўрсатаётган бўлса, улар сони тез кунда яна 18 тага кўпаяди. Урганч шаҳрида «Она ва бола скрининг маркази» иш бошлади. Замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланди. Боғот, Ҳазорасп, Қўшкўпир, Гурлан, Хонқа, Урганч туманларидаги болалар шифохоналари тўлиқ таъмирланди. Янгибозор, Хонқа, Боғот, Қўшкўпир, Урганч, Ҳазорасп, Гурлан, Шовот туманлари туғуруқхоналарида кенг кўламдаги таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Вилоят кардиология диспансери қошида республикада биринчи бўлиб лаборатория ва ЭКГ бўйича ўқув маркази ташкил этилди. «Шифокор» болалар оромгоҳи таъмирланиб, янгидан жиҳозланди. Вилоят шифохоналари замонавий диогностика ускуналари билан таъминланмоқда.

Вилоятда жорий йилда халқ таълими тизимида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилдики, бу ҳақда тўхталмай ўтишнинг иложи йўқ. Бу йил 28 та мактаб, 17 та болалар боғчаси, 1 та мактабдан ташқари таълим муассасаси капитал, 256 та мактаб, 186 та болалар боғчаси, 25 та мактабдан ташқари муассаса, 3 та махсус мактаб интернати жорий таъмирланди. Айниқса, Хивадаги «Меҳрибонлик уйи»да олиб борилган катта ҳажмдаги таъмирлаш ишлари киши эътиборини тортади.

Хоразм вилоятида одамлар турмуш шароитини яхшилаш, уларнинг оғирини енгил қилиш кун тартибидаги муҳим масалалардан бири бўлиб келмоқда. Жумладан, аҳолини ичимлик суви билан таъминлашни яхшилашга, доимий эътибор қаратилаяпти. Айни кунларда Урганч шаҳридаги Шовот канали бўйида Эроннинг «Шимбар» КО компанияси томонидан улкан сув тозалаш иншооти қурилаётганлиги фикримизнинг далилидир. Бу иншоот қурилишига 10,97 млн. АҚШ доллари миқдорида чет эл инвестицияси жалб этилган бўлиб, ў бир кеча-кундузда 100 минг куб сувни тозалаб бериш қувватига эга. Яна қишлоқ аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида 18 та қишлоқда ичимлик сув тармоқларини реконструкция қилиш ҳамда 8 та қишлоқда ичимлик сув тармоқларини қуриш ишлари якунланиши натижасида ушбу қишлоқларга тоза ичимлик суви етиб борди. Бундан ташқари, Гурлан туманида янги ичимлик суви таксимлаш иншооти қурилиб, фойдаланишга топширилди. Натижада Гурлан ва Шовот туманлари аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш аҳволи яхшиланди.

Бундай ижобий фикрларни аҳолини табиий газ билан таъминлаш масаласи бўйича ҳам айтиш мумкин. Ҳозирда вилоят бўйича аҳолини табиий газ билан таъминлаш даражаси 97,6 фоизни ташкил этади. Жорий йилда газ таъминотини янада яхшилаш мақсадида 60,2 км. узунликдаги газ қувурлари ва 150 та газ тақсимлаш мосламаси мукаммал таъмирланди, 987,2 км. узунликдаги газ қувурлари босим остида синовдан ўтказилди. Бу ҳам истеъмолчиларга табиий газни бир маромда етказиб беришга хизмат қилади.

Сирасини айтганда, Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги шодиёналари олдидан вилоятда амалга оширилган бунёдкорлик ишларини санаб адоғига етиш қийин. Вилоятда барча соҳаларда ҳам ўсиш-ўзгариш, янгиланиш жараёнлари изчил давом этмоқда. Обод кўчалар, равон йўллар, кўприклар, муҳташам бинолар, янги коллежлар, мактаблар, улуғ аждодларимиз номидаги боғлар кўҳна воҳани ёшартириб юборди. Энг муҳими, меҳри қуёшдек иссиқ, қалби дарёдек жўшқин, саховатли, меҳнаткаш, ғурури баланд, оққўнгил хоразмликларнинг байрамолди кайфияти Хоразм шевасида айтсак, дим зўр, дим жонли. Улар ўрта асрларда Шарқ оламининг йирик илм-фан ўчоғи сифатида эътироф этилган Маъмун академиясининг замонавий асосда қайта тикланганлиги ва 1000 йиллиги катта тантана қилинаётгани маънавий ҳаётимизда муҳим воқеа эканлигини дилдан ҳис этиб турибдилар.

Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигига бағишланган бўлажак шодиёна ҳар бир юртдошимиз қалбида ўзлигини англаш, бебаҳо бой меросимизга ворислик, бундан-да бунёдкорлик ишларига рағбат туйғуларини уйғотишига шак-шубҳа йўқ.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

Қадамбой ОТАЕВ олган суратлар.

Хоразм таърифи

Ғуборин пайғамбар айлаган орзу,
Ҳар тони бахт қадар юксалган — азим,
Жайҳундан ризқ олиб кўнгли дарёлар
Маскани бўлдинг сен, қадим Хоразм!

Жаннатий келинга ўхшатди Басрий,
Кираркан Машриқда якто бағрингга,
Ваҳҳос олам аро жами қишлоқни
Фидо бўлсин деди Замахшарингга.

Боланг йиғисида «Дугоҳ» мақомин
Бўйини ҳайрат-ла туйган Арабшоҳ.
Батута гурвагинг татиб кўраркан,
Болни уялтирган таъм туйган ногоҳ.

Чиройинг, сарватинг бадпафс ошиғи
Чанг солмоқ бўлганда неча бир ёғий,
Чингизни лол қилган Жалолиддиндек
Мангу қалқон бўлди ғуруринг тоғи.

Зулмат дунёсида юлдуздек порлаб
Сен мангу озодлик қўшиғи бўлдинг.
«Дорул ҳикма» билан минг йиллар аро
Эзгулик, маърифат бешиги бўлдинг.

Истиқлол кўкида ажиб ойдирсан,
Мадҳингни куйлай деб этолдим жазм.
Борингга шукрлар қиламан минг бор,
Айёминг муборак, она Хоразм!

Амирқул КАРИМОВ.

ОЛАМНИ МАҲЛИЁ АЙЛАГАН ДИЁР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Агар Ибн Сино бўлмаганида Ғарб тиббиёти бугунги тараққиётига эриша олмасди. Бундан ташқари, «0» рақамини кашф этган ал-Хоразмий бўлмаганида математика ва физика фанлари бугунги даражага кўтарила олармиди?».

«Темурийлар даври тарихи ва маданиятини ўрганиш» Франция ассоциацияси Президенти Люсьен Керен ва Бош котиби Фредерик Брессаннинг Юртбошимизга йўллаган табрик мактубидан қуйидагиларни ўқиймиз:

«Биз ассоциациямиз номидан Буюк Ипак йўлида жойлашган Хива шаҳрида ЮНЕСКО шафеълигида ўз юбилейини нишонлаётган, инсон дунёни англаши учун янада кенг йўл очишга хизмат қиладиган ғояларни тарғиб этиб келган Хоразм Маъмун академияси жамоасини чин кўнгилдан табриклаймиз.

Ушбу юбилей бугунги кунда, йигирма биринчи асрда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан «Байтул ҳикма»га — X ва XI асрларда илм-фанни ривожлантириш йўлида беқиёс хизмат қилган илм даргоҳига кўрсатилаётган юксак ҳурмат-эътибор намунасидир. Бу Мағрибу Машриқда яшаган халқлар ўртасидаги ҳамжиҳатликнинг асосларидан бири доимо маданият бўлганини яна бир бор исботлайди».

Хоразм Маъмун академиясининг инсоният илмий-маънавий меросига қўшган буюк ҳиссасини юқори баҳолаган Корея Республикасининг Кёнгхи университети Президенти Бюнг Мук Ким ўз мактубида бундай ёзади:

«Шуни комил ишонч билан айтиш мумкинки, олимларнинг башарият тарихидаги илк ҳамжамияти бўлган Маъмун академияси жаҳон илм-фани ривожига беқиёс ҳисса қўшган. Шу боис, муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, Сизнинг Хивада Хоразм Маъмун академиясини тиклаш тўғрисидаги 1997 йилда қабул қилган қарорингиз ғоят муҳим воқеа бўлганини алоҳида таъкидламоқчиман. Бу Ўзбекистоннинг бой илмий, маънавий ва маданий меросини тиклаш ишига Сизнинг юксак эътиборингиздан яна бир далолатдир».

Япониянинг Сока университети ректори Масами Вакаэ ҳам Ўзбекистон Президентини инсоният тамаддунининг йирик илмий ўчоқларидан бўлмиш Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги билан самимий қутлайди:

«Ушбу академияда камол топган буюк аллома, қомусий олим Абу Али Ибн Сино илм-фанни инсоният йўлини ёритувчи мингларча қуёшга менгзаган эди. Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, бугунги кунда ҳам қайтадан дунё юзини кўрган мазкур маърифат маскани курраи заминда яшовчи халқларнинг бир-бирини маънан бойитиш, адолат, тинчлик-тотувликка интилиш йўлини нурафшон этиб турибди. Шу нуқтаи назардан қарагандa, Сизнинг инсоният олдидаги хизматларингиз беқиёсдир».

Франциянинг Сорбонна университети Президенти Пьер-Ив Энин ўзининг қутлов мактубида бундай деб ёзади:

«Хоразм Маъмун академияси бундан 1000 йил муқаддам илм-фанни ривожлантириш учун ғоят мустаҳкам илмий асосга эга бўлган. Бу илмий ҳамжамият ўшандаёқ бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмай келаётган илмий тадқиқотларнинг асосий йўналишларини белгилаб берган эди.

Бугун биз ўтмишни англаш учун ўз тарихини ардоқлайдиган, эрамизнинг икки мингйиллиги туташган даврда яшаган аждодлари муваффақиятларининг ҳурматини жойига қўядиган ўзбек халқини муборакбод этиш имкониятига эгамиз».

Германиянинг Макс Планк номидаги фанлар тарихи институти директори Юрген Ренн Марказий Осиёнинг юрагида жойлашган Ўзбекистоннинг қадимий ва бой маданий-маърифий меросининг тарихий аҳамиятини бундай эътироф этади:

«Хоразм Маъмун академиясининг қайта тикланиши Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин мамлакатда илмий-маданий меросни асраб-авайлаш ва ривожлантиришга катта эътибор берилаётганидан яна бир далолатдир. Германиянинг Макс Планк фанлар тарихи институти, Хоразм Маъмун академиясини тиклаш орқали анъаналарни мустаҳкамлаш нафақат буюк ўтмиш, балки келажак учун ҳам катта имкониятлар эшигини очиб берадики, бундан турли фан ва маданиятлар интеграцияси фақат фойда кўради, деб ҳисоблайди. Академиянинг қайтадан дунё юзини кўришида мана шундай истиқбол мавжуддир».

Россия Федерациясининг «Курчатов институти« илмий маркази президенти, академик Е.Велихов табригидан бундай самимий тилаклар ўрин олган:

«Хоразм Маъмун академиясини тиклаш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон раҳбариятининг миллий илм-фанни ривожлантиришга жиддий ва комплекс ёндашувидан далолатдир.

Шу муносабат билан Сизга ва Ўзбекистоннинг бунёдкор халқига фаровонлик ва барқарорлик, қудратли ва гуллаб-яшнаётган мамлакат барпо этиш йўлида янгидан-янги муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз».

Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги муносабати билан мамлакатимиз раҳбари ва ўзбек халқи номига ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳи, Араб университетлари иттифоқи Бош котиби Солиҳ Ҳошим, Россия Федерацияси таълим ва фан вазири А.Фурсенко, Фанлар академиясининг вице-президенти А.Некипелов, Қозоғистон Республикаси Шарқшунослик институти ректори М.Абусеитова, Корея Республикаси Миллий ассамблеяси депутати Ким Жин-пё, Шанхай университети вице-президенти Е.Жимин ва бошқа илмий доиралар намояндаларидан ҳам табрикномалар олинди.

Бундай қутловлар келиши давом этмоқда.

ЎзА — «Жаҳон».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 71-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси раисининг ўринбосари Р. Собиржонов ахборот берди. Қонун лойиҳаси юзасидан барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Киритилган таклифлар муҳокама қилинганидан кейин Қонунчилик палатаси ушбу қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилди.

Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раисининг ўринбосари Л. Ғуломов «Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари бошлиқларини тайинлаш ҳамда чақириб олиш тартиби тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Бўлиб ўтган муҳокама чоғида депутатлар ҳужжатнинг асосий қоидалари юзасидан ўз фикрларини баён қилдилар. Киритилган таклифлар ҳисобга олинган ҳолда қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

Мажлис ниҳоясида Қонунчилик палатасининг Спикери Э. Халилов палатанинг жорий йил октябрь ойидаги ишига якин ясади. Умуман олганда, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг фаолияти самарали бўлганлиги таъкидланди. Мамлакатимиз учун муҳим аҳамиятга молик кўплаб масалалар муҳокама қилинди. Хусусан, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Ҳомийлик фаолияти тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги, «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низомга, Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Умумжаҳон почта иттифоқи Уставига таллуқли Еттинчи қўшимча баённомани (Бухарест, 2004 йил 5 октябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг 2002 йилда Ваколатли конференция томонидан қабул қилинган Халқаро электр алоқаси иттифоқининг Устави ва Конвенциясига доир Тузатиш ҳужжатларига қўшилиши ҳақидаги қонун лойиҳалари палата томонидан кўриб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2005 йил 12-13 май кунлари Андижон шаҳрида рўй берган воқеаларни текшириш бўйича мустақил комиссияси ишининг якунлари тўғрисидаги ҳисобот эшитилиб, бу хусусда Қонунчилик палатасининг тегишли қарори қабул қилинди.

Депутатларнинг октябрь ойидаги ишига якун ясар экан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Спикери барча қўмиталар ва сиёсий партиялар фракцияларини парламент фаолиятининг самарадорлигини янада оширишга чақирди.

ҚУТЛУҒ САНАГА МУНОСИБ СОВҒА

Шу кунларда юртимизда яна бир тўй бошланмоқда. Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги нафақат Ўзбекистонда, балки ЮНЕСКОнинг махсус қарори билан халқаро миқёсда кенг байрам қилинади.

«Дорул ҳикма» ёки «Мажлиси уламо» дея аталган бу илм маскани бир гуруҳ олим, адиб, шоирларнинг тасодифий йиғини эмас эди. Маъмун академияси, аввало, кўҳна Хоразмнинг узоқ ўтмишдаги илм-маърифат илдизлари, қолаверса, илк ўрта аср Уйғониш даври маданий юксалишининг ёрқин ифодаси бўлганди. Унинг инсоният цивилизацияси тараққиётидаги роли шундаки, бу ерда академияга хос фундаментал тадқиқотлар чуқур ва атрофлича олиб борилди.

Бундан тўққиз йил бурун Хиванинг 2500 йиллик юбилейи кунлари мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Хоразм Маъмун академиясини қайтадан тиклаш ташаббуси билан чиққанди. Орадан кўп ўтмай Президентимизнинг «Хоразм Маъмун академиясини қайтадан ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Фармонда Ўзбекистон илмий салоҳиятини юксалтириш, унинг жаҳон илмий ҳамжамиятидаги ўрнини мустаҳкамлаш, минтақаларда фанни янада ривожлантириш, истеъдодли ва фидойи олимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, юқори интеллектуал муҳит яратишдаги миллий анъаналарни ривожлантириш учун академия қайта тикланаётгани алоҳида таъкидланган.

Қайтадан ташкил этилиб, ўзининг иккинчи умрини кечираётган академияда ўтган давр мобайнида муайян илмий-тадқиқот ишларини амалга оширилди. Жумладан, Хоразмнинг қадимги ва ўрта асрлар тарихи, ўзбек халқининг этник тарихи, ўлканинг тарихий ва археологик ёдгорликлари илмий тадқиқ этилди. Хоразм ёзма адабиёти ва халқ оғзаки ижоди ўрганилди. Экинларни алмашлаб экишнинг биологик асослари тадқиқ қилинди.

Тўйга тўёна билан келиш халқимизга хос бўлган ажойиб анъаналардан. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти «Art-press» корхонаси билан ҳамкорликда қутлуғ сана арафасида «Хоразм Маъмун академияси» китоб-альбомини чоп этди. Асрларга татигулик ишларни ўзида мужассам этган ушбу китоб «Хоразм — Шарқнинг қадимий цивилизация ва маданият ўчоқларидан бири», «Хоразм Маъмун академиясининг ташкил топиши», «Хоразм Маъмун академияси олимлари» ва «Хоразм Маъмун академиясининг қайта тикланиши» деб номланган бобларидан иборат. Китобнинг сарвараги Юртбошимизнинг «IX-XV асрларда маърифатли дунё бухорийлар, фарғонийлар, хоразмийлар, беруниийлар, ибн синолар, улуғбекларни қанчалик иззат-икром қилган бўлса, XXI асрда биз халқимиз, миллатимизга нисбатан ана шундай эҳтиромни қайтадан қўлга киритишимиз керак. Ўша даврда улуғ аждодларимиз асос солган ва оламга донг таратган илмий мактабларни замонавий шаклда қайтадан тиклашимиз лозим», деган қанотли иборалари билан очилади. Шунингдек, китоб-албомдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги Қарори, қадимги Хоразм ҳамда Маъмун академиясининг тарихи ва бугуни, истиқлол йилларида юртимизда амалга оширилган буюк бунёдкорлик ишлари ҳақида ҳикоя қилувчи маълумотлар, истиқлол туфайли бунёд этилган иншоотлар акс эттирилган рангли суратлар ҳам ўрин олган.

Ўз мухбиримиз.

ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 23 мартдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида Жиззах вилоятида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Буни вилоятда чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари сони ўтган йилдагига нисбатан икки баравар кўпайиб, айни пайтда беш юздан ошганидан ҳам билса бўлади. Хўжаликларга хориждан наслдор молларни олиб келиш ишлари давом этаётир.

Мирзачўл туманидаги «Яшил денгиз» фермер хўжалигида 100 бош «Швицкая» зотли қорамол парваришланмоқда. Хўжалик раҳбари Номоз Аҳмедовнинг айтишича, чорвачиликни сердаромад тармоққа айлантиришнинг муҳим омили – наслли молларни кўпайтиришдан иборатдир. Шу мақсадда Жиззах вилоят наслчилик бирлашмаси томонидан кўрсатилаётган кўмакдан фермерлар мамнун.

Т. БЕКНАЗАРОВ,
ЎзА мухбири.

Шу йилнинг октябрь ойида Корея Республикаси пойтахти Сеул шаҳрида ўтган санъат йўналишидаги олий ўқув юртлари талабаларининг халқаро фестивалида ҳамюртимиз Элнура Абдуллаева махсус совринга лойиқ топилди.

ЭЛНУРАНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама етук шахслар этиб тарбиялаш, мукаммал таълим бериш баробарида, ёш истеъдод соҳибларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш давлатимизнинг доимий эътиборида. Бундай ғамхўрлик натижасида кўплаб иқтидорли ва умидли ёшлар кашф этилаётир. Айни пайтда улар нафақат республика, балки халқаро кўрик-танлов ва фестивалларда ҳам ўз истеъдодларини намоён этмоқдалар.

Сеулда ўтган халқаро фестивалда Элнура миллий мусиқамиз намуналарини фортепьянода маҳорат билан ижро этди. Ҳозир Сеул консерваториясида таълим олаётган Элнура "Санъат ғунчалари", шунингдек, Республика ёш ижрочилар кўрик-танловида ғолиб бўлиш билан биргаликда, МДҲ мамлакатларида ўтган халқаро танлов ва фестивалларнинг совриндори ҳамдир.

Н.УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Пентагон раҳбари Ироқ учун яна бир миллиард доллар сўрамоқда. Дональд Рамсфельд Ироқ махсус хизматини тайёрлаш ва уларни керакли асбоб-ускуналар билан таъминлаш учун шунча маблағ лозимлигини таъкидлади. Жорий йил октябрга қадар АҚШ Ироқ махсус хизматини ташкил қилиш учун 10 миллиард доллар сарфлади. Рамсфельд сўраган маблағни ажратиш учун мамлакат парламентининг икки палатаси ҳам тасдиқлаши керак.

Исроил ҳарбий ҳаво кучлари Ғазо секторини яна бомбардимон қилди. «Франс пресс» ахборот агентлигининг хабарларига қараганда, ярим тунда берилган зарбалар оқибатида ўн нафар фаластинлик тинч аҳоли оғир тан жароҳати олган. Мухторият ҳукумати ҳалига қадар ракета ҳужумлари натижасида қанча одам жабр кўрганлиги тўғрисида расмий хабар тарқамаган.

«Ҳезбаллоҳ» гуруҳи етакчиси Исроил билан музокаралар ўтказишга тайёр. Ливанлик етакчи Ҳасан Насруллоҳ жорий йил июль ойида гаровга олинган исроиллик аскарни мамлакат қамоқхоналарида сақланаётган ливанлик маҳбуслар билан алмаштириш юзасидан музокаралар ўтказишга тайёрлигини билдирди. «Ҳезбаллоҳ» расмий Тель-Авив билан музокараларни БМТ ҳомийлигида ўтказмоқчи.

Мексика Гватемаланинг собиқ президентини ўз мамлакатига қайтариб бериши мумкин. Собиқ етакчи Альфонсо Портилло ўз мамлакатида давлатнинг катта миқдордаги маблағини ўзлаштирганликда ҳамда коррупцияда айбланмоқда. У мамлакат мудофаа вазирлигига ажратилган 15,7 миллион долларни Европа банкларидан бирига яширганликда гумон қилиняпти.

Айбсиз Ларри Фуллер 25 йил қамоқда ўтирди. 57 ёшли Ларри 1981 йилда далласлик бир хонимни зўрлаганликда айбланиб, 50 йилга озодликдан маҳрум қилинганди. Махсус ДНК текширувлари ўтказилгандан сўнг унинг айбсиз эканлиги исботланди. Фуллер Вьетнамда хизмат қилган ва, ҳатто, ўз отрядини қутқариб қолгани учун АҚШ армиясининг медали билан ҳам тақдирланган.

Шимолий Корея олти томонлама музокараларни тиклашга рози. Бироқ расмий Пхеньян музокараларни ўз шартлари асосида давом эттирмоқчи. Мамлакат ташқи ишлар вазирлиги вакилининг айтишича, Шимолий Кореяга нисбатан қўлланилган АҚШнинг молиявий санкциясини бекор қилиш эвазига музокаралар жараёни давом эттирилади. Аммо ҳозирча Жорж Буш маъмурияти расмий Пхеньянга нисбатан қўлланилган молиявий санкциясини бекор қилишни режалаштирмаяпти.

2,8 миллион долларлик қўл телефони Москвада мусодара қилинди. Бу ҳақда «Ведомости» газетаси мамлакат ички ишлар вазирлигидан олинган маълумотга таяниб хабар тарқатди. Катта миқдордаги уяли алоқа телефони «Телелогистика» компанияси томонидан мамлакатга ноқонуний тарзда келтирилган. Жорий йил 29 март куни ҳам Россия ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари «Евросет»га қарашли умумий қиймати 19 миллион долларлик уяли алоқа телефонларини ноқонуний равишда мамлакатга киритилаётган пайтда ушлаб қолишганди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ

ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ КАДРЛАРИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА УЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ИНСТИТУТИ

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАН АЖРАЛГАН ҲОЛДА АСПИРАНТУРАДА ЎҚИШ УЧУН ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

13. 00. 01 — Педагогика назарияси ва тарихи.
13. 00. 08 — Ҳунар таълими назарияси ва услубияти.

КЕРАКЛИ ҲУЖЖАТЛАР:
- ариза;
- ходимларни ҳисобга олиш варақаси ва таржимаи ҳоли;
- иш жойидан тавсифнома;
- ихтисослик бўйича реферат (илмий ишлар ва ихтиролар эълон қилинмаган бўлса);
- диплом ва баҳолардан нусха;
- меҳнат дафтарчасининг нусхаси;
- нашр этилган илмий ишлар рўйхати;
- саломатлиги тўғрисида тиббий маълумотнома;
- 4х6 ҳажмдаги 4 та фотосурат;
- паспорт ва ҳарбий билет шахсан кўрсатилади;
- аспирантурага киришга тавсия бўйича илмий кенгаш ёки давлат аттестация комиссиясининг баённомасидан кўчирма (олий ўқув юртини жорий йилда тамомлаган бўлса).

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИК БЎЙИЧА ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАН АЖРАЛГАН ҲОЛДА ДОКТОРАНТУРАГА

13. 00. 08 — Ҳунар таълими назарияси ва услубияти ихтисослиги бўйича қабул эълон қилади.

КЕРАКЛИ ҲУЖЖАТЛАР:
- ариза;
- ходимларни ҳисобга олиш варақаси ва таржимаи ҳоли;
- иш жойидан тавсифнома-тавсиянома;
- тадқиқот мавзуси бўйича илмий маъруза ва докторлик диссертациясининг кенгайтирилган режа лойиҳаси;
- чоп этилган илмий ишлари, ихтиролари рўйхати (шакл бўйича) ҳамда уларнинг нусхалари;
- олий маълумот, фан номзоди дипломлари ва доцент (катта илмий ходим) аттестат нусхаси;
- меҳнат дафтарчасининг нусхаси;
- нашр этилган илмий ишлар рўйхати;
- саломатлиги тўғрисида тиббий маълумотнома;
- 4х6 ҳажмдаги 4 та фотосурат;
- паспорт ва ҳарбий билет шахсан кўрсатилади.

Ҳужжатлар 2006 йил 15 ноябргача қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент ш., Талабалар шаҳарчаси, А. Саидов к., 56-уй, 3-қават, Аспирантура ва докторантура бўлими.
Телефонлар: 150-63-22, 150-63-25.

FAMILY от East Telecom

Ўхшаш бўлмаган замонавий янги авлод тармоғига уланиш имконияти.

Ажратилган линиядан уй Интернетига уланиш билан, сиз замонавий рақамли АТСга уланган бепул телефон рақамига эга бўласиз.
1 йўла 2 хизматдан фойдаланиш (интернет+телефония).

Рўйхатга олиш учун тўлов

№	Номланиш	Нарх
1.	Уланиш	35
2.	Ускуна ўрнатиш, созлаш	15

Ойлик тўлови

№	Тариф режаси	Абонент тўлови	Интернет уланиш тезлиги	Тўланган лимит		Лимитдан ташқари тўлов	
				Интернет (Мбайт)	Телефония (дақиқа)	Интернет (Мбайт)	Телефония (дақиқа)
1.	FAMILY MINI	15	128 Кбит/с.	250	300	0,06	0,0015
2.	FAMILY MIDDLE	20	256 Кбит/с.	400	чегирмасиз	0,05	0
3.	FAMILY MAXI	120	128 Кбит/с.	чегирмасиз	чегирмасиз	0	0

Алоқа кенглиги – бизнес равнақи.

www.etc.uz
Телефон: 150-00-00.

Хизматлар лицензияланган.

«SMS-БАНКИНГ»: БАНК СИЗНИНГ... МОБИЛ ТЕЛЕФОНИНГИЗДА!

Сарлавҳадан ажабланманг. Агар сиз ҳеч қачон мобил телефон орқали ўз банк ҳисобингиз ҳақида маълумот олмаган бўлсангиз, энди бу қандай амалга оширилишини билиб олишингизнинг айни вақтидир.

Иш кунингиз одатда нимадан бошланади? Агар сиз фирма раҳбари ёки ходими бўлсангиз ва ҳисобингизга навбатдаги пул тушумини кутаётган бўлсангиз, банкка ташриф буюрасизми? Ёки қўнғироқданми? Сиз, айтайлик, ҳамкорлар билан ҳисоб-китоб қилиш учун маблағларнинг тушишини кутаяпсиз-у, аммо бу ҳақда сизга хабар берадиган одам йўқ.

Бироқ ҳозирги кунда «Асака» банки мижозлари бўлган «Perfectum Mobile» тармоғининг барча абонентларига тақдим этиладиган «SMS-банкинг» янги хизмати мавжудки, бу банк билан ўзаро алоқанинг тезкор, қулай ва замонавий усулидир.

Ушбу хизматга уланганда диспетчер-дастур белгиланган даврий вақт билан ҳисоблар бўйича ҳаракатларнинг мавжудлигини текширади. «Янги» киримлар мавжуд бўлса, битта ёки бир нечта SMS хабарлари автоматик равишда шаклланади ва муайян вақтда маблағ тушишига қараб, сиз уларни махсус талабномасиз қабул қиласиз. Сиз, шунингдек, банк ҳисоби бўйича жорий қолдиқ ҳақида маълумот, ҳатто бир кеча-кундуз мобайнида банк ҳисоби бўйича сўнгги операциялар ҳақида мини кўчирмани талаб қилишингиз мумкин. Ва бунинг барчаси банкка бориш ва орқага қайтиш учун қўшимча вақт ва маблағларни сарф этмаган ҳолда бажарилади. Оддий, қулай, ишончли ва манфаатли.

Бошқа бир ҳолатни кўриб чиқамиз. Сизда «Асака» банкининг пластик карточкаси бор ва сиз жисмоний шахс сифатида супермаркетга бўлган навбатдаги ташрифдан сўнг ўз ҳисобингиздаги маблағнинг қолдиқ суммасини билишни истайсиз. «SMS банкинг» тизими туфайли сиз нафақат ўз ҳисобингиз ҳолатини кўриб чиқишингиз, балки устувор аҳамият касб этувчи яна учта операцияни бажаришингиз ҳам мумкин. Биринчидан, ҳисобдаги бўш қолдиқ ҳолатини кўриш. Иккинчидан, пластик карточка орқали бажарилган операциялар ҳақида шу заҳотиёқ билиб олиш. Ва учинчидан, пластик карточка бўйича кредит олиш учун ўрнатилган лимитни аниқлаш (овердраф лимити деб номланади).

SMS бўйича тасдиқ хабар келишув суммаси, вақти ва уни ўтказиш ҳақидаги маълумотдан ташкил топади. Сиз ушбу хизматга асосий ва қўшимча тўлов карточкаларининг чексиз сонини улашингиз ва шахсий уяли телефон рақамингизга тасдиқ хабарларни олишингиз мумкин. Шундай қилиб, Сиз «SMS-банкинг» тизимида рўйхатдан ўтиб, аниқ вақт тартибида ўз банк ҳисобингизни масофадан бошқаришнинг ажойиб воситасини қўлга киритасиз. «SMS-банкинг» хизматига эга бўлган ҳатто энг оддий телефонингиз билан ушбу хизматга ҳали эга бўлмаган, ўрнатилган фотоаппарат, видеокамера, мусиқий плеер, радиоприёмник ва ҳатто телевизорли уяли телефон эгасини ҳам ҳайратда қолдиришингиз мумкин.

Республикамизда мобил банкингнинг ривожланиши катта истиқболга эга. Шахсий компьютерлар ўз оммабоплигига қарамасдан, молия хизматларини етказиб бериш учун мақбул восита ҳисобланмайди. Бундан ташқари, социологик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, инсонлар учун мобил телефон замонавий аксессуар бўлиб, сўзлашув учун зарур восита, шахсий компьютерлар эса кўпроқ ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланади. Хусусан, маълумотлар етказиш тезлигининг ошиши узатилаётган маълумотлар ҳажмига бўлган чекловларни бартараф этади, шу билан бирга, мобил банкинг тизимининг ривожланишига янги имкониятларни яратади. Бунда бизнес юритишнинг янги модели, яъни мобил бизнес тезкор ривожланади, SMS банкинг эса асосий тузилмалардан бири бўлиб ҳисобланади.

«SMS-банкинг» ривожланиши учун мобил телефонларнинг платформа сифатида келажаги Ўзбекистонда мижозлар сонининг ўсиб бораётганлиги ҳақидаги таҳлиллар билан тасдиқланади. Мобил банкинг технологияларининг ривожланиши жуда ҳам жадал бўлиши мумкин, чунки мобил алоқа доирасидаги ўзгаришлар ўхшаш табиатга эга. Бизнинг мамлакатимизда мобил банкинг муҳим ва ҳаммабоп хизмат бўлиши учун етарли имкониятларга эга.

Бир вақтнинг ўзида банк картаси, ҳамён ҳамда йирик ва кичик корхонанинг ҳисоб рақамини бошқариш воситаси хизматини ўтайдиган мобиллар даври келмоқда. Ушбу ҳолатнинг хаёлий бўлиб туюлишига қарамасдан, «Асака» банки хизматидан фойдаланадиган «Perfectum Mobile» тармоғи мижозлари учун бу одатдаги ҳол саналиб, Ўзбекистондаги замонавий бизнеснинг ажралмас қисмидан бири бўлиб қолиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

С. ПОДОЛЬСКИЙ.

SMS-банкинг
ИШБИЛАРМОН ИНСОНЛАР УЧУН МОБИЛ ХИЗМАТИ

Банк сизнинг мобил телефонингизда



SMS-банкинг
қулай
тез
осон

Батафсил маълумотларни қуйидаги рақамлар орқали олишингиз мумкин:
120-82-88 120-82-82.

Хизматлар лицензияга эга.

Мулоҳаза

Фуқаролик ишлари бўйича Чирчиқ туманлараро судининг бир иш бўйича қарор чиқаришига салкам уч ярим йил вақт кетди. Натижада шунча пайт даъвогар ҳам, жавобгар ҳам сарсон бўлди. Хўш, нима учун ушбу иш бунчалик узоқ муддатга чўзилди?

СЎНГГИ НУҚТА ҚАЧОН ҚЎЙИЛАДИ?

Чирчиқ шаҳридаги «АВВА» хусусий фирмаси 2001 йилда озиқ-овқат саноатида ишлатиладиган углеаммоний туз ишлаб чиқаришни йўлга қўяди. Бироқ орадан кўп ўтмай фирма бошлиғини судга чақиришди. Маълум бўлишича, кимё фанлари доктори (ҳозирда марҳум) Ҳоди Ҳакимов 1998 йилда Республика патент идорасидан бикорбанат аммоний моддасини олиш усули бўйича 5699 рақамли дастлабки патент олган экан. Ҳ. Ҳакимовнинг фикрича, «АВВА» ишлаб чиқараётган углеаммоний туз ўзининг «Дармон» хусусий корхонаси маҳсулоти — бикорбанат аммонийнинг ўзгинаси. Фақат номи бошқача. Шу боис, у ўз усулидан фойдаланиб маҳсулот чиқараётган «АВВА» хусусий фирмаси ишини тўхтатиш ҳамда ўзига етказилган зарарни ундириб беришини талаб қилиб судга мурожаат қилган экан.

«АВВА» вакили даъвони рад этди. Унинг таъкидлашича, углеаммоний туз ёки бикорбанат аммоний ишлаб чиқариш бугун пайдо бўлгани йўқ. Кўплаб кимё дарсликларида, жумладан, В. А. Клевкенинг «Технология связанного азота», М. И. Ведерников раҳбарлигида муаллифларнинг «Технология соединений связанного азота», М. Е. Позин ва бошқаларнинг «Технология минеральных солей» китобларида уларни олиш усули ёзилган. Германияда ўтган асрнинг 50-60 йиллари орасида шу соҳада иккита патент олинган. «АВВА» хусусий фирмаси углеаммоний туз ишлаб чиқаришда ўша китоблардан фойдаланган.

Муаммони тўғри ҳал этиш учун, аввало, кимёгарларнинг фикри зарур эди. Шу мақсадда суд масалани бир неча марта кимёвий экспертлар ҳукмига ҳавола этди. Лекин улардан турлича хулосалар олинди.

Кейинроқ бу масала криминалистика маркази ходимларининг ишлаб чиқариш йиғилишида муҳокама қилинади. Т. Исломов раислик қилган бу мажлисда иккинчи хулоса муаллифлари услубий хатога йўл қўйган деган қарор чиқаришган.

Тошкент кимё-технология институти олимлари З. Таиров, Ф. Мирзаев ва Х. Мирзақуловдан иборат гуруҳ ўтказган хулосага кўра, углеаммоний тузлар ишлаб чиқаришда «АВВА» хусусий фирмаси 5699 рақамли патентдан фойдаланмаган. Шу институтнинг З. Таиров бошчилигидаги С. Эшонҳўжаев, А. Шаропов, К. Шокамалов, Г. Тахтахунова таркибидаги экспертлар гуруҳи хулосасича, «АВВА» Ҳ. Ҳакимов яратган янгиликдан фойдаланган. Шуниси қизиқки, ҳар икки комиссияга ҳам З. Таиров раислик қилган. Унинг таъкидлашича, биринчи хулоса материаллар тўла ўрганилмасдан чиқарилган. Шунинг учун у ҳуқуқий асосга эга эмас.

Ишда «Ўзкимёсаноатлойиҳа» очиқ акциядорлик жамияти бош муҳандиси Ю. Романцевнинг хати ҳам бор. Унинг қайд этишича, «АВВА» маҳсулот ишлаб чиқариш пайтида Ҳ. Ҳакимовнинг қонуний ҳуқуқини бузмаган.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги Б. Беглов (У 1964 йилда «Бикорбанат аммоний олиш жараёни тадқиқоти» мавзуида номзодлик диссертацияси ёқлаган) ва «Ўзкимёсаноатлойиҳа» очиқ акциядорлик жамияти техника бўлими бошлиғи С. Абдуллаевнинг алоҳида фикрини келтириб ўтсак. Уларнинг хулосасича, «АВВА» хусусий фирмаси томонидан ишлаб чиқарилаётган углеаммоний тузини олиш усули 5699 рақамли дастлабки патентда таъкидланган бикорбанат аммоний олишдан фарқ қилади. Улар бошқа-бошқа маҳсулотлар.

Академик Б. Беглов худди шу масалада сал олдинроқ ҳам ўз фикрини билдирган ва юқоридаги гапларининг аксини айтган. Фуқаролик ишлари бўйича Чирчиқ туманлараро судига ёзган хатида, у Ўз РФА вице-президентига ёзган хати қандай қилиб судга бориб қолганидан ҳайратда эканлигини ва «АВВА» фирмасининг тушунтириш хатларида етишмовчиликлар бўлгани учун нотўғри хулосага келганлигини таъкидлайди.

Бундан ташқари, Ўз РФА академиги С. Тўхтаев ва фан номзоди С. Тожиевлар «АВВА» маҳсулотини Ҳ. Ҳакимов патенти асосида чиқарган, деб хулоса берган.

Кимё — аниқ фан. Наҳотки, бир масалани ҳал этиш шунча қийин бўлса? Кимёгарлар билдирган қайси фикрга қўшилиш керак? Китоблар, диссертациялар, патентлар аниқ-ку. Маҳсулотлар ўхшаш ёки ўхшаш эмаслигини аниқлаш наҳотки салкам уч ярим йил вақт талаб этса?

Жорий йилнинг 26 январь куни Фуқаролик ишлари бўйича Чирчиқ туманлараро суди ҳал қилув қарори чиқарди. Унда айтилишича, «АВВА» фирмаси углеаммоний туз ишлаб чиқаришда 5699 рақамли патентдан фойдаланган. Шунинг учун даъвогарга 35682000 сўм моддий зарар, 5000000 сўм маънавий зарар тўлаши керак.

Суд қарори билан танишиш жараёнида менда бир нечта савол пайдо бўлди. Аввало, моддий зарар миқдори «АВВА»нинг «Электрокимёсаноат»дан олган хомашёсига асосланиб 35682000 сўм чиқарилган. «АВВА» раҳбарининг таъкидлашича, у судга «YORDAM KONSALT AUDIT» масъулияти чекланган аудиторлик фирмаси томонидан тайёрланган 2000-2001 ва 2002 йилги фаолияти ҳақидаги ҳисоботни тақдим этган. Унда «АВВА»нинг ўша йиллардаги даромади кўрсатилган. Бундан ташқари, «АВВА» фирмаси томонидан 1997-2002 йилларда бюджетга солиқ ҳамда бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри ва ўз вақтида тўланиши юзасидан Чирчиқ шаҳар прокуратураси текширув ўтказган. Унинг ҳисоботида ҳам фирманинг даромади қанча эканлиги айтилган. Лекин судья бу маълумотларни ҳисобга олмаган. Албатта, гап бу ерда «АВВА»нинг даромади эмас, балки Ҳ. Ҳакимовга етказилган зарар ҳақида кетаяпти. Бу зарар миқдорини алоҳида аудиторлик текшируви орқали аниқлаш лозим эмасми?

Суд жараёнида гувоҳлик берган академик Б. М. Беглов ўзининг алоҳида фикрини рад этиб, Ўз РФА вице-президентига ёзган хатидаги хулосаларини тасдиқлади, дейилган суд қарорида.

Б. М. Беглов бу ёзувлар мутлақо ҳақиқатга тўғри келмаслигини, суд унинг сўзларини бузиб кўрсатганини баён этди. Савол туғилади. Судни гувоҳ кўргазмаларини ўзгартириб кўчиришга нима мажбур этди экан?

Суд қарори билан танишиш жараёнида яна бир қизиқ ҳолатга дуч келдик. Унинг 5-10 саҳифалари даъвогар Ҳ. Ҳакимов ва адвокат А. Мамедовнинг даъво аризасига қўшимча эътирози билан деярли бир хил. Тўғри, иккита кичик хатбоши қўшилган, учта хатбошида биттадан гап олиб ташланган. Лекин қолганлари сўзма-сўз кўчирилган. Ҳатто бир хатбошида «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Қонуннинг 29-моддасидан иқтибос келтирилган. Қўшимча эътирозда еттита сўз тушиб қолгани учун суд қарорида ҳам ўша сўзлар тушиб қолган. Хўш, нима учун судья ўз хулосасини даъвогар эътирозидан сўзма-сўз кўчираяпти?

Тўғри, суд даъвогарнинг хулосасига қўшилган бўлиши мумкин. Лекин у фикрларини сўзма-сўз кўчирмасдан ифода этганда жавобгарларда суд ноҳақлик қилди деган эътироз уйғонмаган бўлармиди?

Бикорбанат аммоний олиш усули фанда аввалдан маълум бўлса, Ҳ. Ҳакимов яратган янгилик нимадан иборат? Академик С. Тўхтаевнинг фикрича, 5699 рақамли дастлабки патент муаллифи синтезни ёпиқ реакторда амалга оширишни ўйлаб топган. Патент муаллифининг қайд этишича, у синтезни ёпиқ реакторда амалга оширишдан ташқари, маҳсулот ишлаб чиқаришда 100 фоизлик диоксид углероддан фойдаланган. Фан номзоди С. Тожиевнинг таъкидлашича, Ҳ. Ҳакимовнинг янгилиги, у қаттиқ ҳолдаги углекислотани ишлатган. Академик Б. Бегловнинг қайд этишича, «АВВА» углекислотани газ ҳолда ишлатади. Шунинг учун у янги усулда маҳсулот ишлаб чиқараяпти. Буларнинг қай бири ҳақиқат?

Юқорида Х.Сулаймонова номидаги Республика илмий-тадқиқот криминалистика маркази экспертлари Р. Аҳмедова, Л. Захарова ва П. Зиновьев «Дармон» хусусий корхонаси ҳамда «АВВА» углеаммоний туз ишлаб чиқараяпти, дейди. Лекин судья шу экспертиза ҳисоб-китобларига асосланиб, «АВВА» аммоний бикорбанат ишлаб чиқарган деган хулосага келади. Хўш, бу хулосанинг қай бири ҳақиқат?

Суд ўз қарорида шундай саволлар ва мулоҳазаларга ўрин қолдирмаганда «АВВА» раҳбарлари ноҳақликка йўл қўйилди, деб идорама-идора сарсон бўлишмаган бўларди.

Беккул ЭГАМҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Масалан, ишни биринчи марта экспертизадан ўтказган Х. Сулаймонова номидаги Республика илмий-тадқиқот криминалистика маркази эксперти Т. Исломов «АВВА» Ҳ. Ҳакимов патентидан фойдаланган деган хулосага келган. Кейинроқ эса худди шу институтнинг уч эксперти Р. Аҳмедова, Л. Захарова ва П. Зиновьев аксинча хулоса беришди.

Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари ДИҚҚАТИГА!

«МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ»
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИНИНГ 2007 ЙИЛГИ ДАВРИЙ НАШРЛАРИ УЧУН ОБУНА МАВСУМИ БОШЛАНГАНЛИГИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Обуна компаниянинг марказий идорасида қуйидаги манзилда қабул қилинади:

Тошкент шаҳри, Амир Темур I-тор кўчаси, 2-уй. Шунингдек, компания таркибидаги ҳудудий бўлинмаларда, Тошкент шаҳрида жойлашган «Матбуот» киосклари ҳамда республиканинг вилоят, туман ва қишлоқ жойларида ҳам обуна расмийлаштирилади.

Обуначи обунани етказиб бериш ёки етказиб беришсиз расмийлаштириши мумкин.

Обуна етказиб беришсиз расмийлаштирилган тақдирда, ушбу нашр яқин орада жойлашган киоскка юборилади.

Сиз учун қулай бўлган вақтда компания ходимлари обуна учун керакли бўлган ҳужжатлар билан таъминлайди.

Компания обуна расмийлаштириш билан шуғулланган фуқароларга чегирма беради ва уларни рағбатлантиради.

Сизни қизиқтирган қўшимча маълумотлар учун телефонлар: 133-75-49, 133-67-71, 134-85-99.

«Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси узоқ йиллардан буён даврий нашрларни тарқатишда йўлбошчилик қилиб келмоқда. Компания нашрларни ўз вақтида етказиб бериш имкониятига эга. У обуначилари олдида ўз зиммасига олган мажбуриятларнинг бажарилишини аъло даражада амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки

халқаро тўлов тизими пластик карточкалари билан ишлаш учун қуйидаги номдаги криптография ускуналарини харид қилиш учун очиқ танлов эълон қилади:

Т/р	Ускуна номи	Сони (дона)
1.	T7Ps моделидаги Hypercom терминалларига PIN-PAD қурилмалари	49
2.	ProCash 2000 моделидаги Wincor Nixdorf банкоматларига EPP-клавиатуралари	15
3.	Host Security Module шифрлаш аппарат модуллари	2

Ускуналарни етказиб берувчи манфаатдор корхоналардан танловда иштирок этиш тўғрисидаги аризаларни 2006 йил 14 ноябрь соат 17.00 га қадар қуйидаги манзилга етказишларини сўраймиз:

Ўзбекистон, 700084, Тошкент ш., Амир Темур кўчаси, 101-уй, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Пул муомаласи бош бошқармаси.
Телефонлар: 135-56-09, 134-26-32, факс: 135-09-22,
e-mail: atsoy2@central.nbu.com ёки enam@central.nbu.com.

Юқорида қайд этилган манзилда ариза шаклини олиш ва танлов шартлари билан танишиш мумкин.

Мулоқот қилувчи шахслар — Цой Алина Павловна, Нам Евгений Платонович.

Берилган аризаларга асосан саралаб олинган барча иштирокчилар танлов ҳужжатларининг тўла туркумини олишлари мумкин.

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

2006-2007 ўқув йили қабулида тест синови натижаларига кўра, таълим тури ва йўналишлари бўйича пулли-тўлов шартнома асосида талабаликка тавсия этилиб, тўлов шартнома тўловини амалга оширмаган абитуриентларни ҳамда Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси қарорига (2006 йил 21 октябрь 12-сонли баёни) биноан қўшимча контракт-тўлов асосида талабаликка тавсия этилган қуйидаги таълим йўналиши, тест коди ва кўрсатилган балларни тўплаган абитуриентларни қабул комиссиясига мурожаат этишларини сўраймиз.

№	Тест коди	Таълим йўналишларининг танлов коди (шифр)	Таълим йўналиши	Баллар оралиғи	
				ўзбек	рус
1.	X001	5850100	Атроф-муҳит муҳофазаси	114,0 баллгача	79,8 баллгача
2.	X003	5522900	Биотехнология	81,5 баллгача	-
3.	X003	5522400	Кимёвий технология (ишлаб чиқариш турлари бўйича)	89,9 баллгача	69,2 баллгача
4.	X003	5522500	Нефть ва нефть-газни қайта ишлаш технологияси	98,3 баллгача	82,4 баллгача
5.	X005	5811500	Сервис (экологик сервис)	125,3 баллгача	-
6.	X016	5340200	Менежмент (соҳалар бўйича)	141,2 баллгача	-
7.	X041	5521800	Автоматлаштириш ва бошқарув	103,5 баллгача	99,2 баллгача
8.	X047	5541100	Озиқ-овқат технологияси (маҳсулотлар турлари бўйича)	88,2 баллгача	-
9.	X056	5522600	Ёғочсозлик саноати технологияси	95,6 баллгача	-
10.	X057	5140900	Касб таълими (кимёвий технология)	78,1 баллгача	-
11.	X057	5140902	Касб таълими (озиқ-овқат технологияси)	87,9 баллгача	-

Жадвалда кўрсатилган кўрсаткичларга эга бўлган абитуриентлардан тўлов-шартномаларини расмийлаштириб, тўлов маблағларини институт ҳисоб-рақамига туширишни 2006 йилнинг 15 ноябрига қадар амалга оширишини сўраймиз.

Манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 32-уй. Тел.: 144-79-32. ***Қабул комиссияси.***

MANAGEMENT CONSULTING
Бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш

ISO 9001, OHSAS 18001, ISO 14001, ISO/TS 16949, HACCP (ISO 220 00) халқаро стандартлари талаблари асосида бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш

ISO 9001

Бошқарув тизимида ходимларни ўқитиш ва тайёрлаш, сертификация ва назорат аудитларини ўтказиш.

Шунингдек, ҳужжатларнинг электрон бошқариш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича хизматлар кўрсатишди.

Компания мижозлари:
- «Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи» УШК
- «Муборакнефтгаз» УШК
- «Жанубий газ қурилиш» ОАЖ
- «Қашқадарёгазсаноатқурилиш» ОАЖ
- «Rubicon Wireles Communication» ҚК
- «УзДонгВон КО» ҚК
- «UZEXIDE» ҚК
- «АВТООЙНА» ОАЖ
- «ТАТ-Реестр» МЧЖ
- «Vinlad» ИИК ва бошқалар.

Тел.: (+99871) 132-12-55, 136-14-09, 340-54-27. Факс: (+99871) 132-20-83. e-mail: info@mc.uz http://www.mc.uz

«Ўзстандарт» агентлиги жамоаси «Axborot-ma'lumot markaz» УКси меъёрий ҳужжатларнинг экспертизасини ўтказиш бўлимининг бошлиғи **Дилшод Турабович ХОДЖИЕВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Молия институти жамоаси Молия-иқтисод факультети декани муовини Замира Каримовага акаси **Раҳматжон КАРИМОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Акциядорлик тижорат «Саноатқурилишбанк» жамоаси Хусусий мижозлар билан иш олиб бориш бўлими бошлиғи ўринбосари Асқад Турсуновга волидаи муҳтарамаси **ҚАМАР онанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1357. 21071 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳамедали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t - Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ҳ. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Э. Болиев.
Навбатчи — А. Самадов.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 02.40 Топширилди — 02.55 1 2 3 4 5